



ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ЯККА ТАРТИБДАГИ ПРОФИЛАКТИКАСИ БЎЙИЧА ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЕТИШ ФАОЛИЯТИ

Жуманазаров Ферузбек

Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлиги Академияси
Хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти йўналиши 3-босқич
306-гуруҳ курсанти

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 25- Aprel 2023 yil
Ma'qullandi: 28-Aprel 2023 yil
Nashr qilindi: 04-May 2023 yil

KEY WORDS

профилактика инспектори,
қонунийлик, якка тартибдаги
профилака, инсон омили,
давлат органлари, жиноят.

ABSTRACT

Мазкур мақолада биз профилактика инспекторининг хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси бўйича фаолиятини ташкил этиш фаолияти таҳлилини амалга оширамиз ва мулоҳазаларимизни баён қиламиз.

Хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси хуқуқбузарликларга мойил бўлган шахсларга йўналтирилиб, бошқа турдаги хуқуқбузарликлар профилактикасидан қуйидаги алоҳида хусусиятлари билан фарқланади:

- хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси алоҳида тоифадаги хуқуқбузарликларга мойил шахсларга йўналтирилиши;
- индивидуал ёндошувни талаб этиши;
- мажбурлов ва чеклов нормаларини қўлланилиши;
- хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси йўналтирилаётган шахсларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб профилактик чора-тадбирлар қўлланилишини талаб этиши;
- бошқа давлат органлари ва кенг жамоатчилик имкониятларидан фойдаланишни талаб этиши.

Маълумки, ички ишлар органларининг асосий вазифаси ўз моҳияти ва мазмунига кўра жамоат тартибини сақлашга, жиноятларнинг олдини олишга, жамиятда хуқуқни муҳофаза қилишга, қонун устуворлигини таъминлашга, фуқароларнинг қонуний хуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилгандир¹.

Хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси шахснинг, унунинг ижтимоий муҳитнинг ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий – маиший шароитлари ва турмуш тақрзи, шахснинг ғайриижтимоий хулқ атворини, хуқуқбузарлик содир этишга мойиллигини, шунингдек содир этилган хуқуқбузарликларнинг ижтимоий хавфлилик масаласини тавсифловчи бошқа омиллар ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

¹ Исмаилов И. ва бошқа. Ички ишлар органларининг жиноятларнинг олдини олиш фаолиятини ташкил этиш / Дарслик. –Т., 2011. –Б. 209.

Хуқуқбузарликлар профилактикасининг мазкур тури якка тартибдаги профилактиканинг объектига (ғайриижтимоий хулқ-атворга эга, хуқуқбузарлик содир этишга мойил ва хуқуқбузарлик содир этган шахслар, шунингдек хуқуқбузарликдан жабрланиш эҳтимоли (виктимлиги) юқори бўлган шахслар ёки хуқуқбузарликдан жабрланган шахслар) самарали тарзда профилактик таъсир кўрсатиш имкониятига эга ҳисобланади. Хусусан, бу борада профилактика инспектори ўзига нисбатан якка тартибда профилактика иши олиб шахсларнинг ижтимоий-демографик (ёши, жинси, оилавий аҳволи, касби, маълумоти, яшаш ва ўқиш жойлари кабилар), маънавий-руҳий (еҳтиёжи, қизиқиши, ижтимоий жараёнларга, умуминсоний ва миллий қадриятларга, меҳнатга, ўқиш ва ишга, ён-атрофидагиларга бўлган муносабати, дунёқараши, темперамент ва характери кабилар) ва биофизиологик (жисмонан ва руҳан соғлиғи, генетик хусусиятлари, жисмоний тузилиши, жисмоний ва руҳий имкониятлари, ёш даврига хос биофизиологик белгилари кабилар) хусусиятларини ўрганиши натижаси асосида якка тартибдаги профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади.

Қуйида хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасининг чора-тадбирларини кенгроқ кўриб чиқамиз. Жумладан чора-тадбирлар қуйидагилардан иборат:

— Профилактика суҳбати шахсни жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларига риоя этишга ишонтиришдан, ғайриижтимоий хулқатворнинг ижтимоий ва ҳуқуқий оқибатларини ҳамда хуқуқбузарлик содир этганлик учун қонунда белгиланган жавобгарликни тушунтиришдан иборат бўлади.

Профилактика суҳбати хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассаса жойлашган ерда, шунингдек шахснинг яшаш, ўқиш, ишлаш жойида ёхуд бевосита ғайриижтимоий хулқ-атвор ёки хуқуқбузарлик аниқланган жойда ўтказилади.

Профилактика суҳбати давомида шахснинг ўзига хос хусусиятлари, унинг турмуш тарзи ва ижтимоий-маиший яшаш шароитлари, шунингдек ғайриижтимоий хулқ-атворнинг ёки содир этилган хуқуқбузарликнинг сабаблари ва шарт-шароитлари аниқланади;

— Расмий огоҳлантириш шахсга унинг ғайриижтимоий хулқ-атворни давом эттиришига йўл қўйиб бўлмаслиги тўғрисида ёзма равишда тушунтиришдан, шунингдек хуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахсни хуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарлик ҳақида огоҳлантиришдан иборат бўлади. Расмий огоҳлантириш хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи, хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини амалга оширишга масъул бўлган орган ёки муассасанинг мансабдор шахси томонидан чиқарилади ҳамда шахсга имзо қўйдириб эълон қилинади, у имзо қўйишдан бош тортган тақдирда эса, расмий огоҳлантиришга бу ҳақда ёзиб қўйилади.

Расмий огоҳлантириш шахсга унинг ғайриижтимоий хулқ-атворни давом эттиришига йўл қўйиб бўлмаслиги тўғрисида ёзма равишда тушунтиришдан, шунингдек хуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахсни хуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарлик ҳақида огоҳлантиришдан иборат бўлади.

Расмий огоҳлантириш ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи, ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини амалга оширишга масъул бўлган орган ёки муассасанинг мансабдор шахси томонидан чиқарилади ҳамда шахсга имзо қўйдириб эълон қилинади, у имзо қўйишдан бош тортган тақдирда эса, расмий огоҳлантиришга бу ҳақда ёзиб қўйилади;

— Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ёки унда иштирок этувчи орган ва муассаса, ўз ваколатлари доирасида, ғайриижтимоий ҳуқ-атворли шахслар, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ҳақида иш, ўқиш жойидаги иш берувчини (маъмуриятни), яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органини ғайриижтимоий ҳуқ-атворнинг ва содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳолатларини, шунингдек уларга имкон бераётган сабаблар ва шарт-шароитларни кўрсатган ҳолда хабардор қилишга ҳақли;

— Ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштитриш чоратадбирлари ҳуқуқбузарликдан жабрланганларга, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассаса томонидан қўлланилади;

— Профилактик ҳисобга олиш “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуннинг 35-моддасида кўрсатилган алоҳида тоифадаги шахсларга нисбатан уларнинг тузалиши ва такроран ҳуқуқбузарлик содир этишининг олдини олиш мақсадида ички ишлар органлари томонидан амалга ошириладиган профилактика тадбирлари комплекси.

Ички ишлар органларининг якка тартибдаги профилактик фаолиятини ташкил этишда Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг 35-моддасига асосан якка тартибдаги профилактика объектининг тоифалари кўрсатиб берилган;

— Мажбурий даволланишга юбориш сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка чалинган шахс томонидан жамоат тартиби, бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари бузилган ёхуд у аҳолининг хавфсизлиги, соғлиғи ва ахлоқига таҳдид солган тақдирда ички ишлар органлари «Сурункали алкоголизм ёки гиёҳвандликка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади;

Маъмурий назорат бу ички ишлар органларининг жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахслар устидан маъмурий назорати тарбиявий-профилактик таъсир кўрсатиш чора-тадбирлари мажмуидан иборат бўлади ва назорат остидагиларга нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган чекловларни қўллашда ўз ифодасини топади. Маъмурий назоратни ўрнатиш, амалга ошириш ва тугатиш тартиби, шунингдек қўлланиладиган чекловлар рўйхати ички ишлар органларининг жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахслар устидан маъмурий назорати тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланади. Маъмурий назоратни ўрнатиш, амалга ошириш ва тугатиш тартиби, шунингдек қўлланиладиган чекловлар рўйхати ички ишлар органларининг жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахслар устидан маъмурий назорати тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланади.

Адабиётлар:

1. "Huquqbuzarliklar profilaktikasi to'g'risida"gi Qonun // 2014
2. "Huquqbuzarliklar profilaktikasi va jamoat xavfsizligini ta'minlash sohasida kadrlar tayyorlash tizimini takomillashtirishga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi Prezident Qarori // 2019
3. O'zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi hay'atining kengaytirilgan yig'ilishidagi Prezident Shavkat Mirziyoyevning nutqi // 2021

